

**Давлат-хусусий шериклик корхоналарида рискларни  
бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари**

**Хайдарова Чарос Низомиддин қизи**

Тошкент молия институти

“Баҳолаш иши ва инвестициялар”

кафедраси мустақил изланувчиси

E-mail: khaydarovacharos23@gmail.com

**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада давлат-хусусий шериклик корхоналарининг фаолиятида вужудга келиши мумкин бўлган рисклар ва уларнинг турлари ўрганилган. Мамлакат иқтисодиётига таъсир қилувчи рискларни бошқариш ёки олдини олиш борасида кўплаб илмий ишлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар таҳлили келтирилган. Рискларни бошқарииш амалиёти тақомиллаштиришида давлат хусусий шериклик лойиҳалари, хусусан: соҳалар кесимидағи лойиҳалар ўрганилган ва таҳлил этилган. Мавзу бўйича материалларни ўрганиши натижасида хулосалар чиқарилган ва таклиф ва тавсиялар берилган.

**Kalit so'zlar:** давлат-хусусий шериклик, риск, глобал рисклар, молиявий рисклар, субъектив рисклар, маҳаллий рисклар, информацион технологиялар риски, санкция, миграция, инфляция, хусусий шериклар, хусусий ташаббускор ва тендер.

**АННОТАЦИЯ.** Данная статья представляет собой государственно-частную юридическую фирму, в которой могут рассматриваться риски и связанные с ними риски. Экономика страны подвержена влиянию экономических рисков, возникших в прошлом или прошлом, и научная программа страны основана на критериях кельтского анализа.

**Ключевые слова:** государственно-частное партнерство, риск,

глобальные риски, субъективные риски, местные риски, риски информационных технологий, санкции, миграция, инфляция, частные партнеры, частный предприниматель и тендер.

**ABSTRACT.** This article is a public-private law firm in which risks and related risks can be considered. The country's economy is influenced by economic risks that have arisen in the past or the past, and the country's scientific program is based on the criteria of Celtic analysis. The risks are modernized public private mining operations, in particular: mining and ethylgane analysis.

**Key words:** Public-Private Partnership, risk, global risks, subjective risks, local risks, risk of Informational Technologies, sanction, migration, inflation, private partners, private entrepreneur and tender.

## **КИРИШ**

Мамлакатимизда кейинги 6 йил мобайнида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва экологик йўналишларда инқилобий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунга хизмат қилаётган ўрта муддатли дастурлар, дастлаб: 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси ва унинг вориси яъни изчил давоми бўлган 2022-2026 йилларни қамраб олган Тараққиёт стратегияси пойdevор бўлмоқда. Тўғри, биз 1991 йилдаёқ режали иқтисодиётдан воз кечиб ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини миллий иқтисодиётга жорий этдик ва ҳамон давр талабига мос равишда уни янада эркинлаштириб бормоқдамиз. Албатта, бозор иқтисодиётининг ўзига ҳосижобий томонлари жуда кўп, аммо танганинг икки томони бўлган каби, камчиликлари ҳам йўқ эмас. Зеро камчилик ва ютуқларни тарози палласига қўядиган бўлсак, ютуқлар бир неча бор кўплиги билан ажралиб туради. Шу боис, ҳам биз аксарият дунёда, қолаверса Россия империяси таркибидан олдин бизда ҳам ўзини оқлаган бозор иқтисодиётини танладик ва унинг тамойиллари асосида миллий иқтисодиётни

жадал ривожлантириб бормоқдамиз.

Пировардида, ўтган асрнинг 90 йилларида, мустақилликдан илгари, аҳоли жон бошига атига 200 доллар келадиган ЯИМдан бугунги кунда 2 554<sup>1</sup> доллардан ошиб кетди. Шуни унутмаслик лозимки 1990 йилларда аҳолимиз сони 20 млн. нафарни ташкил этган бўлса, бугунги кунда 36 млн. нафар бўлиб ёки таҳлил қилаётган давр оралиғида аҳоли сони 55,5 фоизга кўпайган. Агар аҳолимиз сони Қозоғистон Республикасидек, кам ўзгариб 90-йиллардагидек қолганида, ҳозирги кундаёқ ЯИМнинг жон бошига улуши 4 500 доллардан ошиб кетар эди. Шундай бўлсада 2030 йилга бориб, бу рақамни камида 4 000 долларга етказиш мўлжалланган.

Кўзланган мақсадга эришишда ДХШ корхоналарининг ҳам роли жиддий бўлмоқда. Бундай дейишимизга асос Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги берган маълумотга қараганда: “Республикада 2023 йил январь ва апрель ойлари давомида умумий қиймати 8,2 млрд. доллардан ортиқ бўлган жами 52 та давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, энергетика соҳасида - 8 та, соғлиқни сақлаш соҳасида - 4 та, экология соҳасида - 11 та, таълим соҳасида - 13 та, маданият соҳасида - 6 та, сув хўжалиги соҳасида - 4 та, коммунал хизматлар соҳасида - 3 та, транспорт соҳасида - 3 та лойиҳаларни ташкил этади”<sup>2</sup>.

Қайд этилган рақамларга таяниб айтадиган бўлсак, жорий йилнинг тўрт ойи мобайнида мисли қўрилмаган лойиҳалар ташкил этилиб, улар миллий иқтисодиётда бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ёхуд қўламини қисқартиришга ҳизмат қилмоқда. Бироқ, шуни ҳам унутмаслик жоизки, катта ишлар бўлаётган жойда мос равишдаги рисклар ҳам қарор топиш эҳтимоли жуда юқори бўлади.

Бизнинг фикримизча, муаммолар марказида турли хил сатҳдаги ва турдаги рисклар ўртага чиқади. Лекин, амалиётдан рискларни бошқариш ёки олдини олиш борасида кўплаб илмий ишлар қилинган ҳамда меъёрий

---

<sup>1</sup> Узбекистан — Википедия ([wikipedia.org](https://uz.wikipedia.org))

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳисобот материаллари. 2023 йил.

хужжатлар ҳам қабул қилинганди. Давр ўтиши ва ўзгариши билан улар ҳам давр талабидан ортда қола бошлайди. Шу боис, янги сатҳдаги ва турдаги рискларни олдини олиш давр талаби хисобланади. Биз мавжуд адабиётлар ва меъёрий хужжатларни қиёсий ўрганиш натижасида ДХШ корхоналарига хавф солиши мумкин бўлган рискларни объектив, яъни глобал рисклар ва субъектив маҳаллий рискларга ажратиб ўрганиш ва таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ топдик.

## **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Мазкур мақолада бир неча меъёрий хужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 10.05.2019 йилдаги ЎРҚ-537-сон “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Конуни; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги Фармони; Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хисобот материалларидан фойдаланилган.

Шунингдек, ДХШ корхоналарини кўллаб-қувватлашга, ДХШ лойиҳаларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни ривожлантириш муаммосини тадқиқ этишга В.Г.Варнавскийнинг ишлари бағишлиланган.

Давлат-хусусий шерикчилиги билан шуғулланган олимлар С.П.Ангаева, С.Д.Дагбаева, Г.А.Борщевскийларнинг ўқув қўлланмалари ва дарсликларида лойиҳаларни бошқариш соҳасида иқтисодий фаолиятни амалга ошириш натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг кенг кўламдаги назарий ва амалий муаммолари ёритиб берилган [6,7]. Мамлакатимизда давлат-хусусий шерикчилиги бўйича А.Э. Шайхов таҳриростида ёзилган ўқув модулида, масаланинг назарий ва амалий жиҳатлари баён қилинган. Шунингдек, Х.Н.Усманов, М.Х.Камилова, У.И.Джуманиязовларнинг илмий

мақолаларида хорижда ва мамлакатимизда давлат-хусусий шерикчилигининг тажрибалари, уларни бошқариш масалалари кўриб чиқилган.

## ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ушбу мақолада илмий ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ этиш жараёнида индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, статистик таҳлил ва илмий абстракция каби усулларидан атрофлича фойдаланилган. Шунингдек, ДХШ корхоналарининг фаолияти самарадорлигига эришишда рискларни тутган ўрнига ва аҳамиятига мос равишдаги хulosалар чиқарилди ва хulosаларга мос равишда илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилди.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўрганишлар таҳлилларга таяниб айтадиган бўлсак, мамлакатда ташкил этиладиган барча ДХШ учун бир хил турдаги рисклар мажмуаси мавжуд бўлмайди. Бунга таъсир этган омиллар кўп, аммо бизнингча, асосийлари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

биринчидан, лойиҳада икки ва ундан ортиқ шериклар иштирок этади;

иккинчидан, лойиҳада маҳаллий шерик билан бирга, чет эллик шерик ҳам иштирок этиши мумкин;

учинчидан, ҳар бир лойиҳа ўзига хос бўлиб, унда иштирокчиларнинг улуши чегаралаб берилмаган;

ва ниҳоят, бизнинг давлатда бу хўжалик юритиш механизмидан ҳали етарлича амалиёт ва тажрибанинг йўқлиги.

Шундай бўлсада, умумий характерга эга бўлган ва бўлиш эҳтимоли юқори бўлган рисклар ҳам мавжуд бўлиб уларни қуидагича акс эттириш мумкин.

Рискларнинг турлари ҳақидаги маълумотга эга бўлиш учун 1- расмга мурожаат қиласиз.

## ДХШ корхоналари фаолиятида учраши мумкин бўлган рисклар ва уларнинг турлари<sup>3</sup>



Инсоният ҳаётида, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятида юқорида қайд этилган рисклар жуда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир рискнинг ўзига хос йўналишлари бўлгани билан, ҳар бири умумий тадбиркорлик фаолиятига жиддий зарба бериш эҳтимоли мавжуд. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ички рискларни жиловлаш мумкин, чунки улар субъектив сабабларга кўра пайдо бўлади. Бироқ, глобал рискларнинг бошқариб, мувофиқлаштириб ва ундан яшириниш имкониятлари максимум чекланган. Биргина сиёсий рискни оладиган бўлсак, унинг тарифидан ҳам маълумки, кўлами жуда кенг ва таъсири ҳам анча улкан.

*Сиёсий риск* - бу сиёсий қарорлар, ҳодисалар ёки шароитларнинг бизнеснинг рентабеллигига ёки баъзи иқтисодий қарорларнинг кутилаётган рентабеллигига таъсири туфайли инвесторлар, корпорациялар ва ҳукуматлар дуч келадиган хавф тури<sup>4</sup>.

<sup>3</sup> Меъёрий-хужжатлар ва иқтисодий адабиётларни ўрганиш асосидаги муаллиф ишланмаси.

<sup>4</sup> Matthee, H. (2011). Political risk analysis. In B. Badie, D. Berg-Schlosser, & L. Morlino (Eds.), International encyclopedia of political science. (pp.2011-2014). Thousand Oaks, CA: SAGE Publications, Inc. doi:[10.4135/9781412959636.n457](https://doi.org/10.4135/9781412959636.n457)

Кейинги йилларда дунё ҳамжамиятида бўлиб ўтаётган ноанъанавий ҳодиса ва ҳолатларга таяниб, ушбу тарифни янада тўлдириб, қўшимча риск элементларини киритиш мақсадга мувофиқ. Масалан: иқтисодий **санкцияларни** қўллаш; сиёсий кучларнинг ўзгариши, миграция ҳолати, ўзаро этник низолар, давлат тўнтишига ҳаракатлар ва давлатлараро урушларни ҳам келтириб ўтиш сиёсий рискнинг қўламиининг янада кенглигидан далолат беради.

Глобал сиёсий рискни ҳисобга олишда ДХШнинг халқаро бозорга чиқиш имкониятига эга бўлганлари учун ва хорижий чет эл бизнес шериклар учун муҳим молиявий, моддий аҳамиятга эга. Бундан ташқари сиёсий рискни шартли равища мамлакат, минтақа ва глобал тоифаларга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Мамлакат миқёсидаги сиёсий риск деганда биз, ДХШ фаолиятига бевосита ва билвосита таъсир этувчи ички сиёсий аҳволнинг бекарорлиги таъсирида ДХШларнинг молиявий аҳволининг ёмонлашувига олиб келиб, уларга молиявий ва моддий мажбуриятларни бажара олмаслик ҳавфи туғилади.

ДХШ корхоналарининг фаолиятида минтақавий сиёсий риск ҳам таъсир кўрсатиши эҳтимоли юқори. Бу айниқса минтақа миқёсида сиёсий бекарорликнинг келиб чиқишига икки қўшни давлат ўртасидаги уруш ёки бир давлатда бўлган фуқаролар уруши минтақалардан келиб ёки минтақага чиқиб ташкил этилган ДХШларга таъсири юқори бўлиб, улар молиявий мажбуриятларини бажара олмай банкрот ҳолига келиб қолиши тушунилади.

ДХШ фаолиятида яна бир кенг тарқалган риск тури молиявий риск бўлиб, у ДХШ фаолиятида катта хавф туғдирадиган рисклардан бири ҳисобланади. Молиявий риск - бу молиявий маблағларни кескин камайиб кетиши ёки йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ бўлган рискга айтилади. Молиявий маблағлар - бу даромад, жамғарма ва капитал, бир сўз билан айтганда молиявий манбалар ҳисобидан шаклланиб ДХШ фаолиятининг амалга ошириш учун зарур бўлган барча молиявий маблағларнинг йиғиндиси ҳисобланади.

IT риск ёки Информацион технологиялар риски XXI- асрда энг жадал ўсиб бораётган хавфлардан бири ҳисобланади. Бу хавф шу қадар кучлики,

ДҲШ молиявий, иқтисодий ва ахборот тизиминин интернет орқали паралич қилиши ва бутун архив ва ахборотларларни қисқа даврда йўқ қилиб юбориш эҳтимоли бор бўлган рисклардан бири ҳисобланади.

IT рискларининг пайдо бўлиш омилари бир нечта бўлиб, шулардан асосийлари бўлиб қўйидагиларни алоҳида қайд этиш мумкин. Хусусан:

ДҲШда ахборот тизими ва таъминотининг маънавий ва жисмоний эскирганлиги;

IT маълумотлари билан ишлашда хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя қилмаслик;

ДҲШ ишчи ва ходимларининг ахборот тизимлари билан ишлаш тартиб ва қоидаларидан бехабарлиги;

ДҲШнинг ўзига хос хусусиятларига бевосита мос келмайдиган арzon ёки эскирган дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш;

Мамлакатлар, минтақалар ва глобал информацион жосуслик;

Фирром рақобатчилар томонидан онгли равишда зарап етказиш;

ДҲШ ичида жосусларнинг мавжудлиги.

Бизнинг фикримизча, юқорида санаб ўтилган рисклар ДҲШ фолиятида объектив таъсир қилаётган рисклар бўлиб, бундай рисклардан қутилиш учун илмий асосланган техника ва технологиялардан фойдаланиш билан бирга, нафақат раҳбарлар балки, оддий ишчи ва ходимларнинг ҳам касбий маҳорати юқори даража бўлиш керак. Бундай хусусиятлар ДҲШда бўлмас экан глобал рисклар қуршовида қолиб кетиш эҳтимоли жуда юқори бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш жойизки, ДҲШ фаолиятида глобал рисклардан ташқари ички рискларнинг салбий таъсири ҳам муҳим аҳамият касб этади. Глобал рисклардан фарқли ўлароқ, зеро имконияти кам бўлса-да, лекин ички рискларни қандайдир маънода маъмурий мувофиқлаштириш имконияти мавжуд. Лекин бу тадбир ДҲШга янада қимматга тушиши мумкин. Яъни биргина ДҲШларнинг фаолиятини яхшилаш мақсадида, республикадаги бошқа тадбиркорлик ва тижорат корхоналари фаолиятига соя тушиб қолиши мумкин.

Масалан, ДХШнинг иккинчи шериги хорижий ҳамкор. Ҳорижий ҳамкор обрўини сақлаб қолиш мақсадида қонунчиликка ўзгартиши ёки қўшимчалар киритиш бошқа корхоналар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимоли мавжуд.

Қонунларнинг ўзгариш риски. Аслида давлатда бир маромда ижтимой иқтисодий ва сиёсий жараёнлар бўладиган бўлса, қонунларнинг ўзгаришига ҳожат қолмайди. Бироқ, беҳосдан пандемия бўлиб қолиши, ёки қўшни давлатларда, яъни минтақада кучли нобарқарорлик таъсири меъёрий хужжатларни тезкор ўзгартиришга таъсир этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида барча тадбиркор ва тижоратчилар каби, ДХШларни ҳам безовта қиласидиган рисклардан бири бу – миллий валютанинг нобарқарорлиги ва инфляция риски ҳисобланади. Одатда инфляциянинг нормадан баланд бўлиши, ДХШ ихтиёридаги пул маблағларининг қадрсизланишига олиб келади. Яъни инфляция даражаси йиллик 10 фоиз бўлса, корхонада 100 млн пул бирлиги хисоб китоб рақамда ёки захира жамғармасида турса, у бир йилдан кейин 10 фоизга ўз қийматини йўқотади. Бошқача тушутирадиган бўлсак, 2022 йилда йигирув воситаси 100 млн. сўм бўлган бўлса, 2023 йил айни шу вақтга келиб шу йигирув воситаси ранги ҳам бир хил, шакли ҳам бир хил аммо, нархи 110 млн. сўм бўлади. Шартли мисолдан маълумки, корхона милий валюта инфляция таъсирида бир йилда 10 млн. сўм кўп харажат қилишга тўғри келяпти. Агар инфляция даражаси “0” бўлганда, ўтган йилги баҳо, бу йил ҳам ўзгармасдан қолиб, ДХШ қиймат нуқтаи назаридан зарар кўрмаган бўлар эди.

ДХШ инфляцияга қарши бирор восита орқали бевосита курашиш мумкинми, мазмундаги саволга, жавоб берадиган бўлсак мумкин, албатта. Бизнингча фикримизча, инфляция прогнозини аниқлаб, ортиқча пул бирлигини шу прогноздан кам бўлмаган фоизда депозитга қўйиш керак. Акс ҳолда, инфляциядан зарар кўриш эҳтимоли муқаррар бўлади.

Амалдаги қонунчиликка биноан, ДХШни иккинчи шериги бўлиб,

хорижий ҳамкор ҳам бўлишлиги қўрсатиб ўтилган. Хусусан Давлат хусусий шериклик тўғрисидаги қонуннинг 8- моддаси иккинчи абзацида шундай талаблар белгиланган: “Хусусий ташаббускорларга, талабгорларга, хусусий шерикларга, шу жумладан чет эллик хусусий ташаббускорларга, талабгорларга, хусусий шерикларга Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган teng ҳукуқлар, фаолиятнинг камситиш хусусиятига эга чоралар кўлланилишини истисно этувчи ҳукукий режими кафолатланади”

ДҲШ фаолиятида хорижлик шериклар иштирок этар экан улар ёки хорижий валюта билан ёки замонавий асбоб ускуна билан шериклик қилишга ҳақли. Бў ўз навбатида, валюта риски мавжудлигидан далолат беради. Шу ўринда валюта рискининг пайдо бўлиш омилларига баҳо бериб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Валюта риски деб, бир вақтнинг ўзида бир неча давлат валюталаридан фойдаланиш натижасида пайдо бўилиши мумкин бўлган риск ҳисобланади. Банкирлар тили билан айтадиган бўлсак, чет эл валюталарини бир курсда сотиб олиш ва иккинчи бир курсда сотиш ўртасиги тафоввут бўлади. Агар 2022 йилда 100 минг долларни 1.0 млрд сўмга сотиб олган бўлсангизда, муайян вақт ўтгандан кейин, уни 1,1 млрд. сотсангиз инфляция даражасини қоплаш билан бирга маълум бир иқтисодий самараға ҳам эга бўлишингиз мумкин. Мабода бозор талаби бўйича 900 млн. сўмга сотадиган бўлсангиз, аянчли зарап кўрасиз. Шу боис, бу борада ҳам касбий маҳоратга эга бўлган кадрлар бўлиши валюта бозорини олдиндан прогноз қилиш, кўра билиш имкониятларини кенгайтиради.

Мамлакатда валюта курсига таъсир этадиган омилларни санайдиган бўлсак, улардан асосийлари қуйидагилар. Жумладан:

- асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар;
- валюта курси режими бўйича марказий банк сиёсати;
- мамлакатдаги сиёсий тизим бекарорлиги;
- мамлакатнинг очиқлиги ва иқтисодиётнинг либераллиги;
- мамлакат тўлов баланси ва экспорт импорт ўртасидаги салбий сальдо.

Юқорида санаб ўтилган, ўрганилган ва таҳлил этилган барча рисклар у ёки бу кўринишда, бевосита ёхуд билвосита мамлакатимизда ташкил этилган ва ташкил этилиши режалаштирилаётган ДХШ лойиҳаларига таъсир бор, албатта. Шу боис, бугунги кунда мамлакатимиз тармоқлар иқтисодиётининг қайси соҳаларида, қанча миқдорда ДХШ ташкил этилганини кўриб ўтиш зарур. Бизнинг фикримизча, қайд этиб ўтилган рисклар таъсирини аниқлашга хизмат қиласиган кўрсаткич, ҳозирга қадар ташкил этилган ДХШлар ҳақидаги маълумотга эга бўлишдир. ДХШларнинг тармоқлар кесимидағи маълумотга эга бўлиш учун 1- жадвал маълумотларига эъбитор қаратамиз.

1-жадвал маълумотларидан маълум бўляптики, мамлакат бўйича жами ДХШ лойиҳалар 12 552,60 долларга teng бўлган 437 ta бўлиб, шундан 9 568,46 долларга teng 399 таси ёки 91,3 foizi тўлиқ имзоланиб бўлган. 2 531,28 млн. долларга teng 24 ta битим ёки 5,5 foiz битим имзоланиш арафасида турибди. 452,86 млн. долларга teng 14 ta ДХШ лойиҳаси бўйича ёки 3,2 foiz лойиҳа тендер босқичида турибди.

Лойиҳалар сони бўйича энг кам 1 ta Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантиришда, энг кўп 157 ta бўлиб, Сув хўжалиги вазирлигига ташкил этилган. Сони жиҳатидан қарайдиган бўлсақ, Сув хўжалиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш агентлигига қараганда 157 баробар кўп ташкил этилган. Лекин, ДХШ лойиҳасининг қиймати жиҳатидан таҳлил этадиган бўлсақ, Сув хўжалигига 29,82 млн. долларлик, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантиришда 4,72 млн долларлик лойиҳа тўлиқ ҳажмда имзоланган. Бу ердаги нисбат бутунлай бошқача манзара касб этади, яъни Сув хўжалиги сон жиҳатидан Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантиришга қараганда 157 баробар кўп, бироқ лойиҳа қиймати жиҳатидан эса, 6,31 баробар кўпни ташкил этмоқда.

Худди шунга ўхшаш манзарани Энергетика соҳаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари бўйича лойиҳа қийматини қиёсий таҳлил қилганда ҳам кўриш мумкин.

***Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi***

**2019 - 2022 йиллар давомида амалга оширилган ДХШ лойиҳалари сони  
(2023 йил 1 январь ҳолатига)<sup>5</sup>  
(млн. доллар)**

**1- жадвал**

<b>т/р</b>	<b>Соҳалар кесимида</b>	<b>Жами войиҳалар сони</b>	<b>Жами войиҳалар қиймати</b>	<b>ДХШ битими имзоланган войиҳалар</b>		<b>Битим имзоланиши арафасидаги войиҳалар</b>	<b>Тендер босқичида бўлган войиҳалар</b>	
1.	Энергетика	<b>26</b>	<b>10 409,00</b>	19	7 499,00	5	2 500,00	2
2.	Коммунал хизматлар	<b>3</b>	<b>1 668,92</b>	3	1 668,92	0	-	0
3.	Транспорт	<b>2</b>	<b>93,08</b>	2	93,08	0	-	0
4.	Соғлиқни сақлаш	<b>48</b>	<b>71,54</b>	44	48,28	2	2,50	2
5.	Сув хўжалиги	<b>157</b>	<b>29,82</b>	157	29,82	0	-	0
6.	Экология	<b>71</b>	<b>116,75</b>	61	99,29	4	8,12	6
7.	Таълим	<b>79</b>	<b>122,75</b>	67	92,04	8	17,96	4
8.	Хунармандчилик саноати	<b>13</b>	<b>0,54</b>	13	0,54	0	-	0
9.	Маданият	<b>31</b>	<b>11,39</b>	26	8,69	5	2,70	0
10.	Солик	<b>2</b>	<b>20,02</b>	2	20,02	0	-	0
11.	Ветеринария ва чорва-чиликни ривожлантириш	<b>1</b>	<b>4,72</b>	1	4,72	0	-	0
12.	Хуқуқни муҳофаза қилиш	<b>2</b>	<b>3,75</b>	2	3,75	0	-	0
13.	Бандлик ва Мехнат муносабатлари	<b>2</b>	<b>0,31</b>	2	0,31	0	-	0
<b>Жами</b>		<b>437</b>	<b>12 552,60</b>	<b>399</b>	<b>9 568,46</b>	<b>24</b>	<b>2 531,28</b>	<b>14</b>
<b>Жами</b>								<b>452,86</b>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари.

Яньи 2023 йил 1 январь ҳолати бўйича, Энергетика соҳасида 26 лойиҳада 10 409,00 млн. доллар ДХШ лойиҳаси имзоланган ва жараён давом этаётган бир шароитда, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тассаруфида 2 та лойиҳа имзоланган бўлиб, лойиҳа қиймати 0,31 млн. долларга тенг ҳолос. Шу тармоқ ва йўналишдан яна бир хусусиятли томони шундаки, мамлакатимизда энг катта ва энг кичик лойиҳа қиймати ҳам ана шу иккисига тўғри келади.

Жадвал маълумотларига таяниб айтадиган бўлсак, шунингдек, таҳлил этилган тармоқларнинг фаолияти ҳам кўрсатиб турибдики, улар бўйича амалий ишларни тезлаштириш мақсадга мувофиқ, бўлади. Хусусан, ДХШ лойиҳалар сони ва лойиҳа қиймати бўйича ҳам Энергетики соҳасида ҳали қилинадиган ишлар кўплиги билан ажralиб турибди. Битим имзоланиши арафасидаги лойиҳалар бўйича 5 та лойиҳа бўлиб, уларнинг қиймати 2 500,00 млн. долларни ташкил этмоқда. Шунингдек, 410,0 млн. долларга тенг бўлган 2 та ДХШ лойиҳаси тендер босқичида турибди. Худди шу каби манзарани Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Таълим соҳасида ҳам кузатиш мумкин.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамон 2,50 млн. долларга тенг бўлган иккита ДХШ битими имзоланиш арафасида турган бўлса, 20,76 млн. долларга тенг бўлган яна иккита лойиҳа тендер босқичида турибди. Таълим соҳасини таҳлил этадиган бўлсак, 17,96 млн. долларга тенг 8 та битим имзоланиш арафасида турган бўлса, 12,75 млн. долларга тенг бўлган 4 та лойиҳа тендер босқичида турибди.

Ўрганиш ва таҳлил натижалари бўйича хулоса чиқарадиган бўлсак, ДХШ бўйича олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёsat нисбатан ёмон эмас. Мисол учун алоҳида йўналишларга эътибор берадиган бўлсак, Транспорт, Сув ҳўжалиги, Ҳунармандчилик саноати, Маданият ва Солик соҳаларида олиб борилган чора-тадбирларни таҳсинга сазовор. Аммо, яна бир алоҳида соҳа ва тармоқлар ҳам мавжудки, уларнинг айримлари кун тартибидан жуда ҳам ортда қолмоқда. Хусусан: Энергетика, Соғлиқни

сақлаш ва таълим соҳалари. Агар бу соҳалар бўйича ҳам иш жараёнини тезлаштирадиган бўлсак, қанчадан-қанча ижтимоий муаммолар ҳал этилиши билан бирга, давлат бюджети харажатлар қисми енгиллашади. Бу ўз навбатида, мамлакат миқёсида солиқ юкининг пасайтиришга яқиндан ёрдам беради. Шунингдек, минглаб янги иш ўринлари ташкил этилиб, мамлакат бўйича ижтимоий танглик даражаси пасайишига олиб келади.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

ДХШ корхоналарининг фаолияти самарадорлигига эришишда рискларни аниқлаш ҳамда уларни бошқаришни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида бир қатор хулосаларни чиқариш мумкин. Бизнинг фикримизча, шулар ичида асосийлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади. Жумладан:

*биринчидан*, кейинги йилларда бутун дунёда бўлиб ўтаётган нотинчликлар, аҳолининг сунъий миграцияси ва айрим давлатларда ирқчиликнинг пайдо бўлиши ҳамда катта давлатлар ўртасида бўлаётган ўзаро ҳарбий урушлар сиёсий рискка берилган таърифни янада кенгайтиришни тақоза этмоқда;

*иккинчидан*, рискни камайтириш мақсадида, агар ДХШнинг, иккинчи шерик хорижий инвестор бўладиган бўлса, уларга даҳлдор бўлган ҳар қандай меъёрий хужжат давр талабидан келиб чиқсан ҳолда ўзгарадиган бўлса, хорижий шерик билан ташкил этилган ДХШ хоҳишига биноан 10 календар йилидан кейингина жорий этилишини қонун билан муҳирлаб қўйиш лозим. Бу борада тажриба мавжуд, хорижий ирнвестицияли корхоналар ташкил этилган шароитда айнан шу қоида қўлланилади. ДХШга ҳам шу қоидани жорий этилса, хорижлик шериклар билан ташкил этиладиган ДХШларнинг қўлами янада кенгайишга имконият туғилади;

*учинчидан*, мамлакатимизда кейинги тўрт молия йили давомида ташкил этилган ва ташкил этилиш бўйича тендер ўтказилиши жараёнида айрим соҳалар нисбатан ортда қолаётганлиги намоён бўлди. Хусусан: Энергетика, Соғлиқни сақлаш ва давлат бюджети харажатида энг катта улушга эга бўлган

Таълим соҳаси. Айни шу соҳалар битим имзоланиш жараёни ва тендер бўлиши кутилаётган ҳолатларда сумма ҳам катта, сон жиҳатидан ҳам кўплиги билан бошқа тармоқ ва соҳалардан ажralиб турибди. Бу борада кескин иқтисодий ва маъмурий чораларни кўриш мақасдга мувофиқ бўлади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонуни. №ЎРҚ -537. 10.05.2019.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Фармони. 2017 йил 7 февраль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги Фармони. 2022 йил 28 январь.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори. №259. 26.04.2020.
5. Yeskomb E.R. Gosudarstvenno-chastnoye partnerstvo: Osnovnie prinsipi finansirovaniya (Public-Private Partnership Principles of Policy and Finance) M.: Alpina Publisher, 2015. 457 s.
6. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
7. [www.pppd.uz](http://www.pppd.uz)
8. Узбекистан — Википедия ([wikipedia.org](https://en.wikipedia.org))
9. <https://www.imv.uz/en/> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари
10. Matthee, H. (2011). Political risk analysis. In B. Badie, D. Berg-Schlosser, & L. Morlino (Eds.), International encyclopedia of political science. (pp.2011-2014). Thousand Oaks, CA: SAGE Publications, Inc. doi:10.4135/9781412959636.n457